“ТАСДИҚЛАНГАН”
ЎзРВБ Кузатув кенгаши мажлиси
2018 йил 12 сентябрь (206-сонли баён**)**

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ:
2018 йил 7 декабрдаги 208-сонли баён
2019 йил 5 апрелдаги 212-сонли баён
2019 йил 30 июлдаги 219-сонли баён
2020 йил 14 декабрдаги 242-сонли баён
2024 йил 31 январдаги 295-сонли баён
2026 йил 26 июлдаги 13-сонли баён

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ БАНКЛАРАРО ПУЛ БОЗОРИДА ЭЛЕКТРОН САВДО ПЛАТФОРМАСИ ОРҚАЛИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3272-сон “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомига (Адлия вазирлигида 2018 йил 12 майда 3010-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ Ўзбекистон республика валюта биржаси банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

банклараро пул бозори – электрон биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали миллий ва хорижий валютада пул маблағларини қисқа муддатга (1 йилгача) жойлаштириш ва/ёки жалб қилиш операцияларини (кейинги ўринларда - пул бозоридаги операциялар) амалга ошириш тизими;

Ўзбекистон республика валюта биржаси (кейинги ўринларда - ЎзРВБ) чет эл валютаси, давлат қимматли қоғозлари, молиявий ҳосила инструментлари (деривативлар) олди-сотдиси ҳамда улар билан боғлиқ бошқа биржа битимлари бўйича биржа савдоларини, шунингдек банклараро пул бозорини ҳамда Марказий банкнинг тижорат банклари, шу жумладан микромолия банклари (бундан буён матнда банклар деб юритилади) билан амалга ошириладиган кредит ва депозит аукционларини ташкил этувчи юридик шахс;

электрон савдо платформаси (кейинги ўринларда - Савдо тизими) – банклараро пул бозорида электрон шаклда биржа савдоларини ўтказиш имконини берувчи ҳамда қабул қилинган буюртмаларни рўйхатга олиш, биржа битимларини тузиш, жорий маълумотларни Дилерлар иш ўринларида акс эттириш, савдо жараёнини баёнлаштириш ва якуний биржа ҳужжатларини шакллантиришни таъминловчи ЎзРВБнинг автоматлаштирилган тизими;

ЎзРВБ Ижроия органи - ЎзРВБ Бош директори шахсида ифодаланувчи яккабошчилик асосидаги Ижроия органи.

ЎзРВБнинг ички ҳужжатлари - ЎзРВБнинг бошқарув органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида тасдиқланган ички меъёрий ҳужжатлар.

Дилер – банклараро пул бозорида савдо тизими орқали операцияларни амалга оширишда иштирок этувчи банклар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда - Марказий банк);

трейдер – Дилер номидан биринчи босқич логини ва паролидан фойдаланиш ҳамда биржа савдоларида уларнинг номидан биржа битимлари тузишга ваколатли бўлган, ишончнома, банклараро пул бозорида иштирок этувчи трейдерлар ва масъул шахслар рўйхати (““ЎзРВБ” АЖга аъзолик тўғрисида”ги Низомнинг 3-1 ва 4-1 иловалари) асосида фаолият юритувчи Дилернинг ходими.

масъул шахс – Дилер номидан иккинчи босқич логини ва паролидан фойдаланиш ҳамда биржа савдолари бўйича биржа битимларини тасдиқлашга ваколатли бўлган, ишончнома, банклараро пул бозорида иштирок этувчи трейдерлар ва масъул шахслар рўйхати (“ЎзРВБ АЖга аъзолик тўғрисида”ги Низомнинг 3-1 ва 4-1 иловалари) асосида фаолият юритувчи Дилернинг ходими.

трейдернинг иш жойи – савдо тизимида бевосита савдо залида, шунингдек, узоқлаштирилган терминаллар орқали фаолият юритишни таъминловчи автоматлаштирилган иш жойи. Трейдернинг иш жойи масъул шахснинг ҳам иш жойи ҳисобланади.

биржа битими – ЎзРВБ томонидан рўйхатга олинган, биржа савдосининг ЎзРВБда қайд этилган натижаси бўйича тузилган пул маблағларига доир олди-сотди шартномаси;

контрагент – банклараро пул бозорида пул маблағларини жойлаштириш ва/ёки жалб этиш бўйича биржа битими иштирокчиларидан бири;

буюртма – буюртма берувчи томонидан маълум миқдордаги пул маблағларини жойлаштириш ва/ёки жалб этиш бўйича шартлар акс эттирилган электрон шаклдаги бирламчи таклиф (1- илова);

қарши буюртмалар – қарама-қарши йўналишга эга бўлган буюртмалар, яъни пул маблағларини жойлаштириш учун таклифга пул маблағларини жалб этиш учун қўйилган буюртма ёхуд пул маблағларини жалб этиш учун қўйилган буюртмага пул маблағларини жойлаштириш учун таклиф (1- илова);

индикаторлар – савдо тизими орқали Дилерлар томонидан амалга оширилган пул бозоридаги операциялар бўйича ҳисобланган ўртача тортилган фоиз ставкалари.

трейдернинг иш жойидаги техникавий носозлик - техник жиҳатдан иш жойи одатий режимининг бузилиши оқибатида трейдернинг бирор-бир вақт давомида савдоларда қатнашиш имкониятларидан маҳрум бўлишига олиб келувчи ҳолат. Бунда Савдо тизими нормал фаолият кўрсатиши мумкин.

савдо тизимининг техникавий носозлиги - савдо тизимининг техник жиҳатдан одатий режими бузилиши ҳолати.

2. Ушбу Қоидалар савдо тизими орқали пул бозоридаги операцияларни ўтказиш тартибини белгилайди. Мазкур қоидаларнинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3. Ушбу Қоидалар ва унга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ЎзРВБ Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

4. Пул бозоридаги операциялар Дилерлар ўртасида ўзаро амалга оширилади.

5. Дилерлар пул бозоридаги операцияларни амалга оширишда Марказий банкнинг “Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низоми (Адлия вазирлигида 2018 йил 12 майда 3010-сон билан рўйхатга олинган) талабларига ҳамда мазкур қоидаларга риоя қилишлари шарт.

6. ЎзРВБ томонидан пул бозоридаги операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ ишларни ташкиллаштириш, шунингдек мазкур Қоидаларда кўзда тутилган функцияларни бажариш учун ЎзРВБнинг алоҳида ваколатларига эга бўлган биржа маклери тайинланади.

7. Дилерлар пул бозоридаги операцияларини амалга оширишлари учун Савдо тизимида трейдернинг иш жойига эга бўлишлари шарт.

8. Савдо тизимида дилерлар бошқа дилер номидан қатнашиши ва тузилган битимлар бўйича пул маблағларини жойлаштириш ва жалб қилиш муддатларини узайтириши мумкин эмас.

9. Марказий банк банклараро пул бозорида банклар ўртасида тузилган битимлар бўйича маълумотлар билан танишиш ҳуқуқига эга.

10. Банклар банклараро пул бозорида ўз битимлари ва бошқа банклар томонидан ўзаро амалга оширилган операциялар бўйича маълумотлар (банк номлари тўғрисидаги маълумотлар бундан мустасно) билан танишиш ҳуқуқига эга.

11. ЎзРВБ ўз ваколати доирасида:

банклараро пул бозорида биржа савдоларини ташкил этади ва ўтказади;

Дилерларга савдо тизими дастурий таъминотини тақдим этади ва уларнинг техник созлигини таъминлайди;

банклараро пул бозори индикаторларини шакллантиради;

пул бозоридаги операцияларга оид маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлайди;

Дилерларни савдоларни ўтказиш жойи, вақти ва савдо якунлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади.

12. Савдолар жараёнида трейдерлар ва масъул шахслар томонидан амалга оширилган барча операциялар ва ҳаракатлар уларни ваколатлаган Дилерларнинг операцияси ва ҳаракатларидек баҳоланади.

13. Трейдер ва масъул шахсларга савдоларда ўз номидан ва ўз ҳисобидан операцияларни амалга ошириш қатъиян ман этилади.

Агар, Дилерлар томонидан пул бозорида операцияларни ўтказиш тартиби ва ушбу Қоидалар талаблари бузилган ҳолларда ЎзРВБ ички ҳужжатларида кўзда тутилган чораларни қўллашга ҳақлидир.

14. ЎзРВБ олдида воситачилик ҳақи бўйича бажарилмаган мажбуриятлари мавжуд бўлган Дилерлар савдоларда қатнашишга қўйилмайдилар.

15. Дилерлар ўзларининг трейдер ва масъул шахслари амалга ошираётган операцияларнинг тўғрилиги ва махфийлигига ҳамда аутентификацион маълумотларнинг ошкор қилинмаслигига тўлиқ жавобгардирлар.

16. Савдоларни ўтказиш залига фақатгина ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари, трейдер ва масъул шахслар, Марказий банкнинг ваколатли вакили ва савдоларни ташкил қилиш ҳамда ўтказишда қатнашувчи ЎзРВБ ходимлари киритилади.

17. Матбуот ва бошқа ташкилотлар вакиллари савдо ўтказиш залига, кузатувчи сифатида ЎзРВБ Ижроия органи рухсати билан қўйилади.

18. Ушбу Қоидаларга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ЎзРВБ Кузатув кенгаши қарорига кўра бошқа муддат ва тартиб ўрнатилмаган бўлса, тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қоидаларга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги ахборот ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида улар тасдиқланган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

19. Банклараро пул бозорида операцияларни амалга оширишда фоиз кўрсаткичларининг сунъий равишда ўзгартирилишига ёки қатъий қилиб қўйилишига олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек, бозор конъюнктурасини сунъий равишда ўзгартирилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган нотўғри ва атайлаб ёлғон маълумотларни тарқатиш, яъни биржа савдоларида манипуляция қилиш ва инсайдер ахборотдан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

Манипуляция ва инсайдер ахборотдан фойдаланиш ҳолатлари мавжудлиги ЎзРВБ томонидан шубҳа остига олинган ҳолатда, ЎзРВБ уч иш куни мобайнида Марказий банкка тегишли маълумот тақдим этади.

II. САВДО ТИЗИМИДА ПУЛ БОЗОРИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

20. Пул бозоридаги операциялар ЎзРВБ ҳамда Дилерлар томонидан тузиладиган Бош битимга мувофиқ амалга оширилади.

21. Бош битимда хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шартлар билан бир қаторда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

Марказий банк ва банклар ўртасида ҳамда банклар ўртасидаги ўзаро тузиладиган биржа битимлари учун мажбурий шартлар;

фоиз тўловларини ҳисоблаш, уларни тўлаш тартиби ва муддатлари;

Бош битимнинг амал қилиш муддати.

22. Савдолар банк иш кунлари соат 9:00 дан бошланади ва банк тўлов куни ёпилганидан кейин 30 дақиқадан сўнг тугайди.

23. Дилерлар мустақил равишда Савдо тизимига киришнинг қуйидаги услубларидан бирини танлашлари мумкин:

масофавий – иш ўрнидан фойдаланиш орқали;

ЎзРВБ савдо залидаги иш ўрнидан фойдаланиш орқали.

24. ЎзРВБ савдо тизимида ишлаш учун Дилерларни икки босқичли логин ва пароль билан таъминлайди.

Биринчи босқич логини ва паролидан фойдаланиш ҳуқуқига фақатгина трейдер эга бўлади.

Биринчи босқич логини ва пароли Дилерга Савдо тизимини фаоллаштириш ҳуқуқини беради.

Иккинчи босқич логини ва паролидан фойдаланиш ҳуқуқи банк раҳбари томонидан ваколат берилган биржа савдолари бўйича биржа битимларини тузишга масъул бўлган шахсга берилади.

Иккинчи босқич логини ва пароли Дилерга биржа битимини тасдиқлаш ҳуқуқини беради.

25. Савдолар бошланишидан олдин трейдер ва масъул шахсларнинг биржа битимларини тузиш ҳуқуқини тасдиқлаш тартиб-таомили (трейдер ва масъул шахслар аутентификацияси) ўтказилади. Бунда, Савдо тизимига трейдер ва масъул шахсларнинг шахсий коди ва пароли киритилади. Трейдер ва масъул шахсларнинг пароли бевосита унинг иш жойидан киритилади.

26. Трейдер ва масъул шахслар ўз шахсий коди ва парольларини учинчи шахсларга ошкор қилинмаслигига тўлиқ жавобгардирлар.

27. Савдо тизимида операцияларни амалга оширишда трейдерлар “Трейдер ва масъул шахсларнинг автоматлаштирилган иш жойи. Фойдаланувчи учун қўлланма.” йўриқномасига амал қиладилар.

28. Савдо иштирокчилари бўлган барча дилерлар Савдо тизимида иштирок этишлари учун тенг шарт-шароитлар билан таъминланади.

29. Трейдерлар томонидан Савдо тизимига буюртмалар тақдим этилганда, Савдо тизимида етарли миқдорда воситачилик мукофоти суммаси мавжудлиги текширилади.

30. Биржа битимлари савдо тизимида томонлар бир-бирини биржа битими бўйича контрагент сифатида кўрсатувчи қарши буюртмалар асосида тузилади.

31. Биржа битимларини тузиш учун савдо тизимига битим тузишга ташаббус қилаётган Дилернинг пул маблағларини жойлаштириш ва/ёки жалб этиш бўйича буюртмаси (бундан буён матнда дастлабки буюртма деб юритилади) киритилади.

32. Дастлабки буюртмада қуйидаги кўрсаткичлар кўрсатилиши лозим:

пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш;

жалб этиладиган ёки жойлаштириладиган валюта тури;

жалб этиладиган ёки жойлаштириладиган пул маблағлари миқдори;

пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш муддати;

пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш бўйича фоиз ставкаси;

фоиз тўловларини тўлаш муддати.

33. Савдо тизимига киритилган дастлабки буюртмага пул маблағларини жалб этиш ва/ёки жойлаштириш мақсадида контрагентлар томонидан қарши буюртмалар киритилади.

34. Пул маблағларини жойлаштириш учун буюртмалар навбати фоиз ставкасининг ўсиб бориши тартибида, фоиз ставкалари тенг бўлганда эса буюртмалар тақдим этилган вақт тартибида жойлаштирилади.

35. Пул маблағларини жалб этиш учун буюртмалар навбати фоиз ставкасининг камайиб бориши тартибида, фоиз ставкалари тенг бўлган тақдирда эса буюртмалар тақдим этилган вақт тартибида жойлаштирилади.

36. Биржа битимларини тузишда Савдо тизими қарши буюртмаларнинг битим кўрсаткичларининг бир-бирига мувофиқлигини текширади.

37. Дастлабки буюртма тақдим этган Дилер контрагентлар томонидан киритилган қарши буюртмалардан ўзига мос келганларини дастлабки буюртма доирасида тасдиқлайди.

Дастлабки буюртмани тасдиқлаш натижасида савдо тизимида биржа битими автоматик тарзда рўйхатдан ўтади.

38. Биржа битими савдо тизимида қарши буюртмаларнинг (дастлабки буюртма ва қарши буюртмалар) рўйхатга олиниши билан тузилган ҳисобланади.

39. Тузилган биржа битимлари бўйича барча ҳисоб-китоб операцияларининг ижроси Дилерлар томонидан битим тузилган банк иш куни Марказий банкнинг банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўлов ҳужжатларини узатиш, қабул қилиш ва назорат қилиш вақти якунланишига қадар амалга оширилади.

40. Савдо тизимига тақдим этилган ҳар қандай дастлабки буюртма у бекор қилингунга, тўлиқ қондирилгунга ёки биржа савдолари якунига қадар амал қилади. Савдо тизимига тақдим этилган ҳар қандай буюртма биржа битимлари тузилгунга қадар Дилерлар томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

41. Савдо тизими орқали тузилган биржа битимлари бўйича пул маблағларини қайтариш муддати келганда жалб қилинган маблағлар ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш банк томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Пул маблағларини қайтариш куни пул маблағлари тегишли ҳисобрақамига келиб тушган кун деб ҳисобланади.

42. Биржа битимлари бўйича барча тўловлар битим тузилган валютада амалга оширилади.

43. Биржа битимлари бўйича жойлаштирилган пул маблағлари томонларнинг ўзаро келишувига асосан муддатидан аввал қайтарилиши мумкин.

44. Дилерларга қуйидагилар тақиқланади:

бошқа Дилерларга, уларнинг бозор хатти-ҳаракатларини ўзгартириш мақсадида, тўғридан-тўғри ёки билвосита босим ўтказиш;

Савдо тизимида сохта битимлар тузиш;

Савдо тизимида тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китобларни ўтказишдан воз кечиш;

Савдо тизимида шаклланаётган бозор ҳолатига босим ўтказиш мақсадида била туриб ёлғон ахборот тарқатиш;

ЎзРВБ ва Дилерларга ҳаққоний бўлмаган ва бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш;

бозор конъюнктурасини шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотни ЎзРВБга тақдим этмаслик (яшириш).

III. ЎЗРВБ АЪЗОЛАРИНИНГ БИРЖА САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШИГА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБИ

45. ЎзРВБ аъзолигига қабул қилиш тартиби, ЎзРВБ аъзоларига қўйиладиган талааблар уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, биржа савдоларида иштирок этишга рухсат бериш тартиби, шунингдек ЎзРВБ аъзолиги таркибидан чиқариш ““ЎзРВБ” АЖга аъзолик тўғрисидаги Низом”га кўра белгиланади.

IV. ПУЛ БОЗОРИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИШГА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБИ

46. Пул маблағлари биржа савдоларига қўйилган биржа товарлари рўйхатига (биржанинг котировкалаш варағига, 2-илова) биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш тартиб-таомиллари билан киритилади.

V. БАНКЛАРАРО ПУЛ БОЗОРИ ИНДИКАТОРЛАРИ

47. ЎзРВБ Дилерлар томонидан Савдо тизими орқали амалга оширилган операцияларнинг фоиз ставкалари асосида пул бозори индикаторларини қуйидаги формула асосида шакллантиради:

$$Индикатор = \frac{\sum_{i=1}^{n}(V_i * Y_i)}{\sum_{i=1}^{n} V_i},$$

Бунда:

V_i – пул бозоридаги і битимининг суммаси;

Y_i - і битими бўйича йиллик фоиз ставкаси;

n – битимлар сони.

48. Индикаторлар пул бозорида операцияларнинг ўртача тортилган фоиз ставкалари асосида қуйидаги белгиланган стандарт муддатлар кесимида ҳисобланади:

1 кунлик;
2 кундан 7 кунгача;
8 кундан 30 кунгача;
31 кундан 90 кунгача;
91 кундан 180 кунгача;
181 кундан 1 йилгача.

Индикаторларни ҳисоблашда пул бозоридаги операциялар жойлаштирилган муддатларга кўра тегишли белгиланган стандарт муддатлар ораликларига киритилади.

49. ЎзРВБ Савдо тизими орқали стандарт муддатлар кесимида шаклланган индикаторларни мунтазам равишда (ҳафтада камида бир марта) Марказий банкка тақдим этади ҳамда ушбу маълумотлар ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида жойлаштириб борилади.

VI. ТЕХНИКАВИЙ НОСОЗЛИКЛАР

50. Трейдернинг иш жойида техникавий носозлик юз берганида, ўзи томонидан савдо тизимига аввал киритилган барча буюртмалари савдо тизимида сақланиб қолади ва у зудлик билан, ихтиёридаги алоқа воситалари орқали биржа маклерини хабардор қилади. Трейдер иш жойининг одатий иш режими тикланганидан сўнг у Савдо тизимига қайта кириши мумкин.

51. Савдо тизимининг техникавий носозлиги пайтида савдолар тўхтатиб турилади. Биржа маклери ўз вақтида ЎзРВБ Ижроия органини бу ҳақида хабардор қилади, шунингдек ушбу маълумотни алоқа воситалари орқали трейдерларга ҳам етказади.

Савдо тизимининг одатий иш режими тикланганидан сўнг савдолар давом эттириш имкони баҳоланади. Агар Савдо тизимининг техникавий носозлиги содир бўлганидан кейин унинг одатий иш режими 120 минут мобайнида тикланса, савдолар давом эттирилади ва трейдерлар Савдо тизимига қайта кириш учун зарур барча амалларни яна бажарадилар.

52. Агар Савдо тизимининг техникавий носозлиги содир бўлганидан кейин унинг одатий иш режими 120 минут мобайнида тикланмаса, ЎзРВБ Ижроия органи келгусида савдоларни давом эттириш ёки тўхтатиш бўйича алоҳида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Савдолар ёпиқ деб эълон қилинса, техник носозлик содир бўлгунга қадар тузилган битимлар бўйича савдо натижалари эълон қилинади, биржа гувоҳномалари тақдим этилмаган жорий битимлар эса амалга оширилмаган ҳисобланади ва бекор қилинади.

53. Савдо тизимининг техникавий носозликларининг барча ҳолларида, Дилернинг ёзма мурожаати бўйича, ЎзРВБ техникавий носозлик содир бўлганлиги тўғрисида маълумотнома беради.

54. Агар узоқлаштирилган савдо терминалларини Марказий процессорга уловчи ахборот коммуникация воситаларида носозлик пайдо бўлган ҳолларда банклараро пул бозоридаги операциялар бевосита савдо залидаги трейдер иш жойида ўтказилиши мумкин.

55. Савдо тизимининг нормал фаолияти бузилишига олиб келадиган сабаблар, хусусан техник носозликлар, жиҳозларнинг (ускуналарнинг) бузилиши ва ишламай қолиши, дастурий таъминотдаги носозликлар ва хатоликлар, алоқа, энергия таъминоти, суъний иқлим тизими ва ҳаёт таъминотидаги бошқа тизимларнинг бузилиши ҳамда ишламай қолиши, шунингдек, ЎзРВБ томонидан назорат этилмайдиган кўзда тутилмаган бошқа ҳолатлар юзага келганда, ЎзРВБ мазкур қоидаларда белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

VII. БИРЖА БИТИМЛАРИНИ ҲАМДА САВДО НАТИЖАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

56. Ҳар бир биржа битими тузилганда савдо тизими уни рўйхатга олади, унга рўйхатга олиш рақамини бириктиради ва Дилерларга ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга асос бўладиган биржа гувоҳномаларини (3-илова) тақдим этади.

Биржа гувоҳномаси биржа маклери ҳамда трейдер томонидан электрон рақамли имзо қўйиш орқали тасдиқланади.

57. Савдолар баённомасидан (4-илова) кўчирма бериш Дилерларнинг ёзма талаби бўйича тақдим этилади.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

58. Пул бозоридаги операцияларни амалга оширишда юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ЎзРВБда низоларни кўриб чиқиш бўйича Арбитраж қўмитаси томонидан ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади.

IX. ВОСИТАЧИЛИК МУКОФОТИ

59. Савдо тизимида операцияларни амалга оширганликлари учун ЎзРВБ дилерлардан воситачилик мукофотини ундиради.

60. Воситачилик мукофотини ундириш тартиби ва миқдори ЎзРВБ Кузатув кенгашининг қарори билан қабул қилинади.

61. Банклараро пул бозорида операциялар амалга оширилганда банклар воситачилик мукофотини ЎзРВБнинг махсус ҳисобрақамларига савдолар ўтказилган кундан кейинги кун соат 12-00га қадар ўтказишлари лозим.

62. Воситачилик мукофотини тўлаш бўйича мажбуриятларни бажармаганликлари учун дилерлардан кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган суммадан 0,05 фоиз, аммо мажбурият бажарилмаган сумманинг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня ундирилади.

X. ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

63. Тузилган биржа битимлари бўйича барча ҳисоб-китоб операцияларининг ижроси дилерлар ўртасида ўзаро тузилган Бош битимга мувофиқ мустақил равишда дилерлар томонидан битим тузилган банк иш куни Марказий банкнинг банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўлов ҳужжатларини узатиш, қабул қилиш ва назорат қилиш вақти якунланишига қадар амалга оширилади.

64. Воситачилик мукофоти бўйича ҳисоб-китоблар Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг ҳисоб-китоб касса Марказида (Ҳисоб-китоб маркази) ЎзРВБнинг махсус ҳисобрақамлари орқали амалга оширилади.

65. Савдоларда қатнашиш учун воситачилик мукофоти бўйича ҳисоб-китобларни ўтказиш мақсадида Савдо тизимида дилерларга сўмда алоҳида шахсий ҳисобрақамлар очилади.

66. ЎзРВБнинг махсус ҳисобрақамлари бўйича операциялар Ҳисоб-китоб марказидаги ўрнатилган қоидаларга мувофиқ ва тегишли шартномалар асосида амалга оширилади.

67. Дилерларнинг мажбуриятларидан ҳоли бўлган пул маблағларини ЎзРВБнинг маҳсус ҳисобрақамидан тегишли депозит ҳисобрақамларига қайтарилиши уларнинг ёзма сўровларига (5-илова) кўра, ЎзРВБ томонидан амалга оширилади. Мазкур сўровнома Марказий банкнинг банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўлов ҳужжатларини узатиш, қабул қилиш ва назорат қилиш вақти якунига 1 соат қолгунга қадар тақдим этилган тақдирда, пул маблағларини қайтарилиши шу куннинг ўзида амалга оширилади.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

68. Дилерлар томонидан савдо тизимида тузилган биржа битимининг амал қилиш муддати Бош битимнинг амал қилиш муддати доирасида бўлиши лозим.

69. Мазкур Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

1-илова

Пул маблағларини жойлаштириш ва/ёки жалб этиш бўйича
БУЮРТМА

буюртма тури (кераклиги белгилансин):	дастлабки буюртма
	қарши буюртма

пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш (кераклиги белгилансин):	пул маблағларини жалб этиш
	пул маблағларини жойлаштириш

жалб этиладиган ёки жойлаштириладиган валюта тури (кераклиги белгилансин):	чет эл валютаси
	сўм

жалб этиладиган ёки жойлаштириладиган пул маблағлари миқдори _____

пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш муддати_____

пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш бўйича фоиз ставкаси_____

фоиз тўловларини тўлаш муддати _____

2-илова

Ўзбекистон республика валюта биржаси

БИРЖА КОТИРОВКАЛАШ ВАРАҒИ

№	Инструмент номи	Инструмент тавсифи	Битим тури
1	SUM_IMM _n	Банклараро пул бозорида “Ўзбекистон республика валюта биржаси банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни ўтказиш қоидалари”га мувофиқ Дилерлар томонидан сўмдаги пул маблағларини жойлаштириш ва/ёки жалб қилиш	пул маблағларини жойлаштириш ва/ёки жалб қилиш
2	Чет эл валютаси_IMM_n	Банклараро пул бозорида “Ўзбекистон республика валюта биржаси банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни ўтказиш қоидалари”га мувофиқ Дилерлар томонидан чет эл валютасида пул маблағларини жойлаштириш ва/ёки жалб қилиш	пул маблағларини жойлаштириш ва/ёки жалб қилиш

n – пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш муддати (календарь кунларда).

3-илова

Ўзбекистон республика валюта биржаси

№ - СОНЛИ БИРЖА ГУВОҲНОМАСИ

20__й ___ _____

инструмент номи	**пул маблағлари суммаси (сўм ёки чет эл валютасида)**	**фоиз ставкаси**	**пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш муддати (кунларда)**	**пул маблағлари қайтарилишининг охирги санаси**	**фоиз тўловларини тўлаш муддати**	**воситачилик мукофоти суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) (сўмда)**

пул маблағларини жойлаштирган Дилернинг номи	
пул маблағларини жалб этган Дилернинг номи	

ЎзРВБ маклери _____

(Ф.И.О.)

Трейдер _____

(Ф.И.О.)

Мазкур биржа гувоҳномаси Дилерлар томонидан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асосдир.

4-илова

Ўзбекистон республика валюта биржаси

Савдо баённомасидан кўчирма

20__й ___ _____

Дилернинг номи _____

Инструмент номи	**Буюртма рақами**	**Буюртма тақдим этиш вақти**	**Буюртма тури (дастлабки ёки қарши буюртма)**	**Буюртма суммаси**	**Фоиз ставкаси**	**Пул маблағлари қайтарилишини нг охирги санаси**	**пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш муддати (кунларда)**	**Фоиз тўловларини тўлаш муддати**

5-илова

Ўзбекистон республика
валюта биржаси
Бош директорига

Сиздан

_____
(дилернинг номи)

_____(сўм)
(сумма рақамларда ва ёзма равишда кўрсатилади)

миқдоридаги пул маблағларини Ўзбекистон республика валюта биржасининг _____-сонли махсус ҳисобрақамидан коди _____ бўлган _____даги_____-сонли ҳисобрақамга ўтказишингизни сўрайди.

(банкнинг номи)

_____	_____	/_____/
Биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга мансабдор шахс	(имзо)	(исми, шарифи ва фамилияси)

Изоҳ. Ёзма сўровни расмийлаштириш ва тақдим этиш шартлари қуйидагилардан иборат:
а) хат аниқ сумма ва банк реквизитлари кўрсатилган ҳолда дилернинг расмий бланкида расмийлаштирилиши лозим. Тўғрилаш ва бўяшларга ижозат берилмайди;
б) хатда имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар имзолари (дилер томонидан олдиндан тақдим этилган, имзо қўйиш ҳуқуқидан фойдаланувчи мансабдор шахслар имзоларининг намуналари варақчасида кўрсатилган) бўлиши талаб этилади.